

аёл киши ҳайз вақтида ўқий олмаган намоzlари қазосини ўқиб бериши фарз

16:24 / 27.04.2016 4355

Ассалому алайкум! Саволимиз шундан иборатки, аёл киши ҳайз вақтида ўқий олмаган намоzlари қазосини ўқиб бериши фарзми?

Кўп манбаларда қазоси ўқилмайди, деб берилган, лекин Абдулазиз Мансур таржимасидаги Қуръони Каримнинг (2004 йил) Бақара сураси 222-оятига берилган изоҳда ҳайз пайтида ўқилмаган намоzнинг қазоси ўқиб берилади деб ёзилган.

Сиздан шу масалага ойдинлик киритиб беришингизни илтимос қилиб қоламиз.

ЖАВОБ: Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм.

Саволингизга «Мухтасари Виқоя» матни ва унинг шарҳи ила жавоб бераман.

«Ҳайз намоз ва рўзани ман қилади.

Рўза қазо қилинади, намоз қазо қилинмайди».

Муоза розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади.

«У киши айтадики, Оиша розияллоҳу анҳодан:

«Нимага ҳайз кўрган аёл рўзанинг қазосини тутади-ю, намоzнинг қазосини ўқимайди?» деб сўрадим.

«Нима, сен Ҳарурийямисан?!» деди.

«Мен Ҳарурийя эмасман, лекин сўраяпман», дедим.

«Ўша нарса бизда ҳам бўлар эди. Бас, рўзанинг қазосини тутишга амр қилинар эдик, намоzнинг қазосини ўқишга амр қилинмас эдик», деди».

Бешовлари ривоят қилишган.

Рўза йилда бир марта фарз бўлади. Ҳайз кўрган аёл маълум кунларнинггина рўзасини қазо қилади. Шунинг учун рўза савобидан маҳрум бўлмаслиги юзасидан унинг қазосини тутади.

Намоз эса ҳар куни беш марта фарз, ҳайз кунларида қолдирилган намоз сони кўпайиб кетади. Бунинг устига аёл киши ҳар ойда ҳайз кўради. Бу ҳар ойда такрор машаққат дегани. Шунинг учун, ҳайз кўрган аёлдан намоzни қазо қилиш талаб қилинмайди. Валлоҳу аълам.